ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

9 октябрь, жума 1998 йил №117(618)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

1 РОССИЯНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ
2 ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ
3 АЖДОДЛАР ЁДИ АБАДИЙ
4 БЕБАҲО МЕРОС

Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельциннинг **Ўзбекистон Республикасига ташрифи тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 1998 йил 11-12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келади.

Тезкор шарҳ

РОССИЯ: АҲВОЛНИ ЎНГЛАШ МУМКИНМИ?

Россияда 7 октябр куни оммавий намойишлар, иш ташлашлар бўлиб ўтди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, унда Россия касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарининг эътироф этишича тахминан 25 миллион нафар киши иштирок этган. Намойишчиларнинг асосий талаблари маошларини тўлиғинча олиш ва иш ҳақи тўловининг барқарорлигини таъминлаш, мамлакатда аниқ дастурга асосланган иқтисодий йўналишни ишлаб чиқиш, шунингдек, ишчиларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимояловчи қонунлар қабул қилишдан иборат. Лекин, бу ҳаммаси эмас. Талайгина сиёсий чақириқлар ҳам борки, уларда мамлакат президенти ва дума сайловларини муддатидан олдин чақиришга ҳам даъват бор.

Адолат билан айтганда, талаб қилиш ҳамиша осон. Лекин, омади гап шуки, бу талабларни айни вақтда бажо келтиришга на ҳукуматнинг қудрати етади, на мамлакат аҳволи бунга имкон беради. Негаки, бугун мамлакат иқтисодиётида ҳам, сиёсатида ҳам барқарорлик йўқ. Россиядаги молиявий-иқтисодий таназзул хуружи икки ойдирки ўз таъсирини кўрсатмоқда. Кириенко бошлиқ собиқ ҳукумат ўз зиммасига юкланган вазифани уддалай олмагач, истеъфога чиқарилди. Очиғини айтганда, бир йилда икки марта ҳукумат алмашиши Россияга зарар бўлса бўлдики, фойда бўлмади. Ҳукуматларнинг алмашиш сабаблари ҳам сунъий: Черномирдин ҳукумати «қариб қолгани», замон руҳига мос ишларни амалга оширишга нўноқлик қилиши туфайли кетган бўлса, Кириенко командаси ҳали ғўрлиги, мамлакатда амалга оширилиши зарур бўлган жиддий-жиддий ислоҳотларга чоғи келмаслиги сабаб истеъфога жўнатилди. Оғирлик эса жабридийда халққа тушаяпти. Россиянинг бугунги аҳволга тушишининг сабаблари қаерда? Россия сиёсатшуносларининг фикрларига қараганда, бу асосан учта унсур билан боғлиқ: биринчидан, Россия четдан қарз олишга ортиқча берилиб кетиб, оқибатда мамлакат ана шу қарзларга суяниб қолди. Қарзга ишониш бу инқироз сари илк қадамдир. Иккинчидан, мамлакатда сиёсий «об-ҳаво» буткул айниди. Барқарорлик йўқолди. Мамлакат равнақи, халқ фаровонлиги каби ғоялар иззатталаб сиёсатчиларнинг манфаатлари сояси остида қолиб кетди. Учинчидан, сиёсий беқарорлик сабаб мамлакат ички ҳаётидаги тартиб-интизом, осойишталикка путур етди. Бинобарин, мамлакат иқтисодиёти бир томондан ички мафиябозлар, иккинчи томондан хорижий чайқовчилар учун хўрозқандга айланди.

Ҳолбуки, аввал бошида Россия халқи мамлакат ҳукумати амалга оширмоқчи бўлган ишларга хайриҳох эди. Лекин, демократик ғоялар, сиёсий интилишлар кучлилиги важидан иқтисодиёт «етим бола каби кўчада қолди». Бугун эса халқ ҳар қандай олижанобликлардан юз ўгириб, ўз иш ҳақларини талаб қилаётир. Негаки, қуруқ ваъдалар билан қорин тўйғазиб бўлмайди. Аввал иқтисод, кейин сиёсат деганлари минг карра тўғри. 7 октябр куни Россияда бўлиб ўтган оммавий намойишларга айни шу ҳол туртки берганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Намойишдан бир кун олдин Россия Бош вазири Евгений Примаков мамлакат телевидениеси орқали халққа мурожаат қилди. У янги ҳукумат россияликларнинг аҳволини яхшилаш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўришга киришаётганини маълум қилди. Хўш, булар нималардан иборат? Ҳукумат мамлакат мудофаа кучлари тизимидаги хизматчиларга икки ойлик маошни накд тўлашни зиммасига олди ва Молия вазирлигига бунинг учун пул ажратилди. Шунингдек, бундан буён бюджет асосида иш кўрувчи корхона ва ташкилотлар ишчилари, хусусан, ўқитувчилар, врачлар, маданият ходимларининг маошлари мунтазам бериб борилади. Е.Примаков давлатнинг пенсионерлардан қарзи ҳам тийин-тийинигача тўланади, деб қатъий таъкидлади. Қолаверса, мамлакат банк, солиқ, божхона тизимлари буткул ислоҳ этилиши кўзда тутилмоқда.

Россиянинг ташқи қарзи ошиб бораётгани мамлакат матбуотида бот-бот ёзиляпти. Бугунги кунда Россияга ким ёрдам беради? Қайси ҳотамтой мана сенга, юз миллиард доллар, ўзингни тузатиб ол, кейин қарзни узарсан, дейди. Агар шундай саховатпеша чиқсаю шунча пулни Россияга берса, яхши ҳаёт бир- икки кун давом этади, ортиқ эмас. Муаммонинг ечимини бирор жойдан мужда кутишдан эмас, чамаси, йўл қўйилган хатолардан қидириш керакка ўхшайди.

Мамлакат аҳволи бугун, ҳақиқатда ҳам, жиддий: рублнинг қадри тушиб бораяпти, мамлакатда ишлаб чиқариш ачинарли аҳволда. Биргина мисол, 1998 йилнинг биринчи ярмида Россия экспорти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 фоизга қисқарган. Шу йил охирига қадар Россия хорижга 4,6 миллиард доллар қарзини тўлаши керак. Янаги йил эса бу миқдор ундан ҳам кўпроқ - 14-18 миллиард Америка долларини ташкил этиши мумкин. Кундай равшанки, бунча пул Россияда йўқ. Аҳолининг мамлакат банкларига ишончи зиғирча бўлсин қолмаган. Шу боисдан россияликлар, тахминларга кўра, 15 миллиард доллардан ошиқроқ пулни ёстиқлари остида сақлашни афзал билаётир.

Кейинги икки ойда мамлакат иқтисодиёти оғир аҳволга тушиб қолгани бекорга эмас. Хабарингиз борки, салкам йигирма кун Россия ҳукуматсиз қолди. Шошилинч чора-тадбирлар кўрадиган одам қолмади. Сиёсатчилар ҳокимиятни бўлиб олиш билан овора бўлди, - дейди Москвадаги Карнеги марказининг илмий тадқиқотчиси Андрей Рябов. - Шундай бўлганидан кейин, Россиянинг аҳволи бугунги кундагидан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Россиянинг ҳозирги аҳволга тушиш сабабларини изоҳлай туриб Канада халқаро радиостанцияси ибратли бир гапни айтди: Россияда ислоҳотлар аввало мамлакат ички бозорини яратиш ва уни ҳимоя қилишга эмас, билаъкс бозорнинг ички мафиябозлар ва ташқи чайқовчилар томонидан таланишига шароит яратди. Оқибатда ишлаб чиқаришга путур етди, чайқовчилар эса мўмайгина пул ишлаб олишди. Энди эса аҳволни бозор йўли билан ўнглаш бир қадар мушкул. Шу боис, Россия фақат ўз кучига таянган ҳолда фавқулодда чоралар кўрмоғи керак. Агар «ўз кучига таянган ҳолда» дейилганда Россиянинг фақат ички ресурсларга ишониб иш кўрмоғи лозимлиги назарда тутилган бўлса, бу ҳам осон кўчадиган иш эмас, дейишмоқда хорижий таҳлилчилар. Негаки, фақат ички ресурларга таяниб барқарор иқтисодий ривожланиш йўлига кириши учун Россияга нақд 40 йил керак бўлар экан.

Россиялик мутахассисларнинг фикрича, энг аввало иш берадиган, барқарор, ҳақиқий ҳукумат шаклланмоғи лозим. Зеро, ҳукумат деганлари пайпоқ эмаски, унисини кўйиб бунисини кийгани.

Иккинчидан, мамлакатни иқтисодий таназзулдан олиб чиқувчи реал дастур ишлаб чиқилиб, унинг асосида иш кўриш мамлакатдаги иқтисодчи олимлар томонидан тавсия этилмоқда.

Бош вазир Евгений Примаковнинг бу борадаги фикрлари ҳам эътиборга молик. Унинг таъкидлашича, таназзулдан қутилишнинг бирдан бир йўли «Хотиржамлик ва бирдамлик, барқарорлик ва тартиб-интизом, конституция ва қонунларга сўзсиз итоат қилиш, шахсий манфаатлардан давлат манфаатини устун билиш». Гап айланиб, яна сиёсий барқарорликка келиб тақалаяпти. Россиядаги сиёсий кучлар, хусусан, сўл марказчилар ўз манфаатлари йўлида от сураверар экан, дума ва ҳукумат бир-бирига тўғ гапираверар экан, мамлакат аҳволи ўнгланмаслиги аниқ. Ҳамма гап бир ёқадан бош чиқариб, ҳар хил ғоявий даъволарга чалғимасдан иқтисодиёт ҳақида қайғуришда. Хуллас, иқтисодий аҳволни ўнглаш учун аввало сиёсий барқарорликни таъминлаш бирламчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида

ДАНИЯ ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛАДИ

Дания ишчилар таълими ассоциациясининг обрўси кенг ёйилган. У 1924 йилда ташкил топган. Бозор шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари ва илмий техника тараққиёти тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бир шароитда юқори малакали, ташаббускор ишчи-хизматчиларга зарурат катта бўлди. Мазкур ташкилотнинг тузилиши мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшди. Ҳозирда Данияда Ишчилар таълими ассоциациясининг 244 бўлими мавжуд. Ҳар йили 5 миллионли аҳолининг 400 минг нафардан кўпи унинг турли курсларида ўқувдан ўтади. Ассоциация ҳозирги кунда 40 дан зиёд мамлакат билан ҳамкорлик қилмоқда. Дания илғор тажрибасини ўрганишга жуда кўп мамлакатларда қизиқиш катта.

Шу кунларда мамлакатимизга ташриф буюрган Дания Ишчилар таълими ассоциацияси бошқаруви раиси Петер Могенсен, Дания ишчилар ўқуви лойиҳаси ҳудудий мувофиқловчиси Мария Флюгге билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Дилбар Жаҳонгирова меҳмонларни Ўзбекистонда Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган улкан ишлар ҳамда касаба уюшмаларининг қизғин фаолияти билан яқиндан таништирди. Хусусан касаба уюшмалари қонунчиликда эксперт масалалари билан шуғулланаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Қувончлиси шуки, эндиликда Франция, Италия, Сурия, Туркия, Вьетнам, Ҳиндистон каби 40 дан ортиқ мамлакатлар, ҳамда ҳамдўстлик давлатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган ҳозирги кунда жаҳон касаба уюшмаларининг илғор тажрибалари ниҳоятда асқотади. Шу маънода Дания тажрибасининг аҳамияти алоҳидадир.

Дания ишчилар таълими ассоциацияси бошқаруви раиси Петер Могенсен дил сўзларини қуйидагича ифодалади:

- Мен Парижга бориб ҳайратланиш мумкин деб ўйлардим. Бироқ Тошкент росмана мўъжиза шаҳар экан. Унинг бетакрор гўзал қиёфаси, одамлари мафтун этди. Ҳурматли Президентингизга бўлган ҳурматим ўн чандон ошди.

Учрашувлар, фикрлашувлар пировард натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўллари белгилаб олинди.

Б.ПЎЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳнат, рағбат ва самара

СУРЪАТ НЕГА ПАСТ?

Бу йил республикамизда пахта йиғим-теримига одатдагидан сал илгари киришилди. Чунки ўлкамизда Андижон усулида чигитни плёнка остига қадаш йилдан-йилга кўпаймоқда. Ана шу майдонларда пахта фойдали ҳароратни самарали олиб, 15-20 кун олдин очилиши таъминланди. Шунга қарамай, республикамизда давлатга пахта сотиш суръати ўтган йилга нисбатан орқада қолмоқда. Масалан, шу йил 7 октябргача бўлган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда 2 миллион 20 минг 401 тонна оқ олтин хирмони уйилган. Ўтган йили шу даврда эса бу рақам 2 миллион 497 минг 225 тоннани ташкил қилган эди. Яъни бу йил ялпи топширилган пахта 50,51 фоиз, ўтган йили 62,43 фоиз бўлган. Бунинг бир неча сабаблари бор, албатта. Баҳор серёмғир келиб: кўплаб чигит экилган майдонларни сел ювиб кетганлиги ва бунинг натижасида чигит бир неча марталаб такрор экилганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Аммо давлатга пахта топширишнинг орқада қолаётганлигининг асосий сабаби жойларда шарт-шароитнинг етарли даражада эмаслиги, деб тушунмоқ керак.

Теримнинг биринчи кунлариданоқ отни қамчилаган вилоятлар бу йил ҳам дуруст кўрсаткичларга эришишмоқда. Масалан, ўтган йили республикада биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш режасини қойилмақом қилиб бажарган хоразмлик деҳқонлар жорий йилда ҳам шитоб билан маррага интилишмоқда. Улар ҳозиргача режадаги 290 минг тонна оқ олтиннинг 200 минг 624 тоннасини териб олишди. Режа 69,18 фоизга етказилди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қўл келмоқда.

Бу йил айниқса Бухоро вилояти пахтакорларининг эришаётган ютуқлари кишини қувонтиради. Чунки улар республикада давлатга энг кўп пахта топшириш бўйича Қашқадарё вилоятидан кейин иккинчи ўринда туради. Бухороликлар шу кунгача режани 68,74 фоизга етказишди. Ваҳоланки, ўтган йили шу даврда 58,76 фоиз пахта тайёрланганди. Бултурга нисбатан 3 фоизга яқин олдинда бораётган Навоий вилояти пахтакорлари ҳам ўтган йилги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб шу кунгача режанинг ярмидан ошиб кетишди. Кунлик теримни 3,15 фоизга етказаётган Самарқанд вилояти деҳқонлари ҳам шу кунгача 142 минг 538 тонна оқ олтин хирмонини уйиб, бу борадаги режаларини 57,02 фоизга етказдилар. Тошкент вилояти пахтакорлари эса кунига режанинг 3,02 фоизи миқдорида пахта топширишмоқда.

Пахта йиғим-терими ва унинг натижалари барча вилоятларда ҳам кўнгилдагидек бораётир, деб бўлмайди. Бунга мисол тариқасида давлатга пахта сотиш бўйича жадвалнинг энг охирини эгаллаган Жиззах вилоятини олиб кўриш мумкин. Вилоятда мавсум бошидан буён 16,28 фоиз миқдорида пахта тайёрланиб, ялпи хирмон 40 минг тоннадан эндигина ошди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида 84 минг тоннадан ортиқ оқ олтин териб олинган эди. Сирдарё вилоятида эса эндигина режанинг 25,84 фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Қорақалпоғистон Республикасида ўша кунга 2 минг 925 тоннагина пахта йиғиштириб олинди. Иш шу йўсинда кетса, қорақалпоғистонликлар улкан хирмонни қачон уйишади? Бу жиддий судралиш. Пахтачиликда донг таратган Андижон вилоятида ҳам бу борада аҳвол яхши эмас. Нимага деганда андижонликлар ўтган йили шу даврда 85,14 фоиз миқдорида пахта тайёрлашганди. Жорий йилда эса бу рақам 60,04 фоизни ташкил қилади. Ўртадаги фарқ 25,01 фоиз. Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам бултургига нисбатан пахта тайёрлаш анча орқада қолмоқда. Бу салбий ҳолатларнинг сабаблари юқорида кўрсатиб ўтилди.

Машина терими ҳам яхши кетаяпти, деб бўлмайди. Бундай дейишимизга асос бор. Масалан, республика бўйича шу кунгача 52 минг тоннадан зиёд пахта машиналарда териб олинди. Ўтган йили шу даврда эса бу рақам 71 минг 965 тоннага етказилган эди. Энди машина теримидаги вилоятлардаги аҳволга келсак, қашқадарёликлар олдинда бораётганининг гувоҳи бўламиз. Вилоятда мавсум бошидан буён пўлат отлар ёрдамида 25 минг 347 тонна оқ олтин териб олинди ва умумий режа 18,11 фоизга етказилди. Машина теримини кунига 2 фоиздан ошираётган Тошкент вилоятида ҳам бу борадаги ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги кўриниб турибди. Вилоятда зангори кемада терилган пахта кунига 2 минг тоннагача бормоқда. Бироқ кўплаб вилоятларда бу юмушга эътиборсизлик билан қаралаётгани кишини ажаблантиради. Бунга мисол тариқасида Жиззах вилоятини олиш мумкин. Вилоятда 114 минг тонна пахта машиналарда йиғиштириб олиниши керак. Лекин ҳозиргача шундан 1 минг 825 тоннасигина зангори кемаларда терилди. Бу умумий режанинг 1,60 фоизи демакдир. Сирдарё вилоятида кўл кучи етишмаслиги ҳисобга олиниб 131 минг тонна пахта машиналарда териб олиниши мўлжалланган. Аммо ҳозиргача шунинг 4,85 фоизигина амалга оширилди. Давлатга пахта сотишда олдинги ўринларда бораётган Бухорода ҳам шу куни пахта машиналарда умуман терилмаган, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларида эса машина терими мутлақо талабга жавоб бермайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикамизда пахта йиғим-терими бир мунча яхши бўлгани билан бир қаторда, баъзи вилоятларда унча қониқарли эмас. Кўрсатиб ўтилган мисоллар буни тасдиқлаб турибди. Шу боис камчиликлари таъкидланган вилоятлар мутасаддилари танқиддан тўғри хулоса чиқариб, илғор вилоятлар қаторига етиб оладилар, деган умиддамиз. Чунки ҳозирги ғаниматкунларнинг ҳар соатидан унумли фойдаланилмаса, пахтамиз ёғин-сочинга қолиб, сифатини йўқотиши турган гап. Бу эса бободеҳқон ёз бўйи тер тўкиб етиштирган пахтасининг нархи тушиб кетиб, қилган меҳнатига яраша ҳақ ололмаслигига сабаб бўлади.

Гулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТЕРИМЧИНИНГ ҲАҚИ НАҚД

Бугун барчанинг нигоҳи пахтазорга қадалган. Оқ олтин йиғим-терими қаерда қандай кетаяпти? Мавсум қаҳрамонлари кимлар? Бу саволлар барчани бирдек қизиқтиради. Маълумотларга назар ташлар эканмиз, кўпгина вилоятлар, туманларнинг меҳнатчилари дақиқалар қадрига етиб, суръатга суръат қўшаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қорасув» деҳқон фермерлар ҳўшмаси пахтазорлари. Ён-атроф оқ парқуга бурканган. Зангори кемалар наъраси узоқ-узоқларга таралади. Терим машиналари ишга тушиши билан хирмонга барака кирди. Чевар теримчилар ҳам бўш келишаётгани йўқ. Меҳнат беллашувида Алишер Душаев бошлиқ бригада заршунослари пешқадам. Айниқса, пудратчи Ислом Душаевнинг қайфияти аъло. Боиси, туманда биринчи бўлиб маррага етишибди. Ҳар гектар ердан қарийб 30 центнердан хирмон кўтаришибди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришда пудрат усулининг аҳамияти катта бўлаяпти. Мулк ўз эгасини топганлиги, ўзибўларчилик, исрофгарчиликка барҳам берди. Ҳар бир деҳқон пировард натижа учун ўзини масъул деб билмоқда. Пудратчилар энди бир сўмни қаерда олиб, қаерга сарфлашни яхши билишади. Дала буюртмаси бажарилса, қайта ишлаш корхонасидан қанча ёғ, кунжара, шелуха олишларини ҳам яхши билишади.

Суратда: Шаҳрихондаги Саримсоқов номли хўжалик теримчилари О.Жабборова ва А.Жўраевалар иш ҳақларини олишаяпти.

Илғор бригада далаларида 100 нафарга яқин теримчи меҳнат қилмоқда. Саида Ҳошимова, Турсуной Арслонова, Турсуной Нишонова, Мамлакат Сайдуллаева, Розия Урозова каби зарбдорларнинг ҳар бири кунига 150-170 килодан дур йиғиштиришаяпти. Иш ҳақи ҳар 5 кунда мунтазам бериб борилаяпти. Сидқидил тер тўккаётганларнинг қўли пул кўраяпти. Жумладан С.Ҳошимова сўнгги 5 кунлик якунига кўра 10 минг сўмлик бўлибди.

Ўнг томондаги карталарда зангори кемалар бир маромда ишламоқда. Тўлқин Бўронбоев, Ҳайриддин Расулов каби механизаторлар кунига бункердан 10-12 тоннадан пахта тўкишмоқда. Хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Исмоил Ҳошимов далада ишлаётганларга қулай шарт-шароитлар яратилганлиги ҳақида ҳикоя қилди. Чинданам шийпонлар деҳқон оромгоҳига айлантирилган. Иссиқ овқат, чой, шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Теримчилар дастурхонида ноз-неъмат сероб. Чунки улар ўзларидан чиқади-да.

Бригада бошлиқларининг мамнуниятбилан таъкидлашларича, пудрат шарофати туфайли ердан унумли фойдаланилаяпти. Унинг умрини беҳуда ўтказган киши йил охирида афсус қилади. Сабаби, шартнома бекор қилинади ва ер асл миришкорга берилади. Бунинг катта тарбиявий аҳамияти сезилмоқда. Хўжаликда ҳисобкитоб ишлари чек усулида олиб борилаяпти. Топширилаётган биринчи нав пахтанинг ҳар тоннаси учун 28 минг сўм ҳақ олишаяпти. Терим машиналаридан унумли фойдаланилаётганлиги суръат ҳамда сифатни таъминламоқда. Хўжаликнинг иқтисодий аҳволи яхши. Шу боис механизаторларга белгиланган ҳам кўп иш ҳақи тўланмоқда.

Бир нарса кишини қувонтиради: қишлоқ фуқаролар кенгаши раиси Раҳматжон Рўзиев бошчилигидаги 135 нафар нуроний ҳам баҳоли қудрат пахта теришмоқда. Табаррук инсонларнинг шижоати барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Илғор хўжаликдаги кўтаринки руҳ, иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётганлигини кўриб, ҳурматли Президентимизнинг Республика Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида айтган қуйидаги сўзларини эслаймиз: «Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда. Муҳими шундаки, қишлоқда ислоҳот ўтказилаётганда расмиятчиликка, кўзбўямачиликка йўл қўйиб бўлмайди. Гап қишлоқда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, мулкнинг пай, оила пудрати, узоқ муддатли ижарага асосланган мутлақо янги аграр ва иқтисодий муносабатларни шакллантириш, қишлоқда кооперативлар тузиш эвазига деҳқон хўжалигининг янгича турини ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида бормоқда».

Не бахтки, муваффақиятни таъминловчи бу ўта муҳим омилларга бирин-кетин эришилаяпти. Қишлоқда ҳақиқий мулк эгаси пайдо бўлди. У кун сайин кучга кирмоқда.

Т.ҲАЙДАРОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

МЕҲНАТКАШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Президентининг Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонини изчил амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар вилоятда қувончли самаралар бермоқда. Ҳозирги кунда Наманганда 1214 та фермер хўжалигининг аксарияти ибратли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.

ХОРИЖ ФЕРМЕРЛАРИ БИЛАН БЕЛЛАШАМИЗ

Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари ихтиёрига 12975 гектар ер ажратиб берилган. Уларда 5785 нафар киши меҳнат қилмоқда. Фермерлар тегишли ташкилотлар билан ўзаро манфаатли шартнома тузишган. Асл миришкорлар ўзларини ҳақиқий хўжайин деб ҳис қилиб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда. Халқ академияси тажрибаси ниҳоятда қўл келмоқда. Шу боис, жорий йил режалари муваффақиятли адо этилмоқда. Чунончи, фермерлар 516 тонна гўшт, 1666 тонна сут, 8700 тонна бошоқли дон, 469 тонна картошка, 1992 тонна сабзавот, 864 тонна полиз маҳсулотлари, 861 тонна мева ва бошқа турдаги неъматларни тегишли ташкилотларга шартнома асосида топширишга муваффақ бўлдилар.

Ҳаёт хорижий тадбиркорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, энг замонавий технологияни қўллаш, чет эл сармоясини жалб этишни тақазо этмоқда. Қувончлиси шуки, маҳсулотимизни четга сотиш юзасидан илдам қадамлар қўйилди. Жумладан, Омск шаҳридаги «Дари-Сибири», «Сиб-Трейдинг», Москвадаги «Арит» жамиятлари ҳамда «Марвел-Ждеко» қўшма корхонаси билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакат аҳолиси ҳамда чет мамлакатларга 11468 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди.

Деҳқон-фермер хўжаликлари маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам шу куннинг энг муҳим масалаларидандир. Бу борада, Янгиқўрғон, Наманган, Чуст, Уйчи туманларидаги кооперативларнинг роли катта бўлаяпти. Яна бир хайрли иш: энг яхши тадбиркорларни танлаб олиб, хорижий инвесторларни жалб этиш йўли билан уларнинг қайта ишлаш саноатини ва бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида киришилди. Масалан, Янгиқўрғондаги вакиллик қошидаги «Ҳамкор» кооперативи, Европа «Таъсис» гуруҳи вакиллиги ташаббуси билан мини-корхона қуриш учун бизнес-режа хусусида ҳужжатлар расмийлаштирилди. Худди шундай ҳамкорлик туфайли қатор фермерларимиз замонавий технологияга эга бўлдилар.

Баҳодир ОХУНОВ,
Деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси, Наманган вилояти вакиллиги раҳбари.



Музработ тумани «Қўнғирот» деҳқон фермерлар уюшмасида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, эл дастурхони тўкинчилигига улуш қўшаётган миришкорлар кўп. Қувондиқ Турсоатов ана шундай фидойилардан бири.

Фермер оиласи 5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олишни кўзлаган.

ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ

Асл чўлқувар, мирзаободлик Абдурасул ака Назаров ўз таклифини ўртага ташлаганида фарзандлари ҳайрон бўлишди. Боиси, шўрланган, янтоқ босган ерга меҳри тушибди. Шу ерни обод қилиб, мўл-кўл ноз-неъмат етиштиришга жазм қилибди.

Кимлардир тадбиркор ташаббусини қўллаб-қувватласа, ниманга етмайди, тинчгина яшасангчи, дегувчилар ҳам бўлди. Назаровлар хонадонига кирган киши бамисоли жаннатда юргандек ўзини ҳис қилади. Мевали дарахтларнинг барчасидан бор. Томорқа хўжалигининг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, ҳамиша баракали ҳосил етиштиришади. Неъматларнинг сифатига гап йўқ. Шу боис, харидор уйларига ўзи келади. Абдурасул аканинг таъкидлашича, бу йил томорқа хўжалигидан бир миллион сўмдан ошиқ даромад олибди.

Чўл муаммоларга тўла. Не-не уста деҳқонлар ҳамиша ҳам мақсадларига эришавермайдилар. Табиат инжиқликлари қўшимча муаммолар туғдиради. Бироқ ташаббускор Абдурасул Назаров меҳру муҳаббатини заминга бахшида этди. Ҳал қилувчи дамларда кечаю кундуз тиним билмай ишлади. Астойдил интилган кам бўлмас экан. Ота машаққатлар эвазига 78 гектар занг ерда «Хумо» деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этди. Барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олди. 18 гектар ерда ғалла етиштирди, шунда унинг уддабуронлигига ҳамма қойил қолди. Мураббий чўл шароитида гектарига 30 центнердан сара дон йиғиштириб олди. Пахтаси ҳам чунонам очилдики кўриб кўз қувнайди. У бу йил соф даромадининг 10 фоизини, келгуси йили эса 20 фоизини «Нуроний» жамғармасига ўтказишни аҳд қилди. Истиқлол қуёшидан баҳраманд бўлган асл чўлқувар кучли салоҳияти, ташаббускорлиги туфайли иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олди. Энди унга ҳамма ҳавас қилади. Мўъжаз лимонзори, 60 бош қорамоли ҳамда 45 уя асаларилари бор. Йилига халқимизга 2 тонна атрофида шифобахш асал тортиқ этмоқда. Энг катта бойлигим 11 нафар фарзандим, дейди Абдурасул ака мамнун оҳангда.

Азамат НАЗАРОВ,
ўқитувчи

ТОМОРҚАДАН БОЙ БЎЛДИК

Каттақўрғон туманидаги Кичикмундиён қишлоқ фуқаролар худудида яшовчи 12 мингдан зиёд аҳоли Президент ҳаётбахш фармонидан баҳраманд бўлиб, 508 гектар шахсий томорқага эга бўлишган. Эндиликда томорқа катта даромад манбаига айланди.

- Ўн икки нафар фарзандим бор. Ҳар йили кунлар илиши билан томорқанинг бир четига плёнка остида карам, помидор, бодринг етиштиришга киришамиз. Ҳосил саранжомлаб олингач, картошка ва яна карам экамиз. Шундай қилиб, бир йилда уч марта ҳосил олаяпмиз. Бебаҳо бойлик - ернинг бир қаричини бўш қолдирмаймиз. Болаларим экин парваришлайдилар, ноз-неъматнинг ортиқчасини сотиш билан шуғулланадилар. Даромад чакки бўлмаяпти. Йилига ўрта ҳисобда 300 минг сўм даромат олаяпмиз. Фармон чиқарганга қуллуқ, томорқа бизни бой қилди, даромаддан беш-олти бош новвос, иккита сигир сотиб олдик. Эҳтиёжимизни тўла қоплаётган паррандамиз, боғимиз бор. Ҳозирги кунда иссиқхона қуриш ниятида юрибман.

Ҳамқишлоғим Муродилла Мусаев ҳам энг олди тадбиркорлардан. Уйига кирсангиз ҳавасингиз келади. Иссиқхонада қишин-ёзин баҳор. Муродилла помидор етиштиришнинг ҳадисини олган. Шунингдек, токзордан 2 тонна сарҳил узум йиғиштириб олади. Қолган неъматларнинг ҳаммаси ўзидан чиқади. Фидойи инсон оила аъзолари билан томорқада тер тўкиб, 310 минг сўмлик бўлибди.

Ҳаётимдан мамнунман. Фарзандларим меҳнатсевар, одамохун кишилар бўлиб вояга етдилар. Томорқа даромадидан уй қурдик, тўйлар ўтказдик. Омадни қарангки, машиналик ҳам бўлдик. Яна иккита уй қуришни ният қилганман.

Чиндан ҳам Президент фармони меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчига айланди. Фармон ижросини таъминлашда Тойлоқ, Самарқанд, Жомбой туманларида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Бу ердаги томорқачилар тажрибасини чуқур ўрганиб, амалиётга жорий этаяпмиз. Энг муҳими, катта савобга шерик бўлиб, истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшаётганлигимиздан мамнунмиз.

Исо ЙЎЛДОШЕВ,
меҳнат фахрийси.

ГАЗ УЗАТИШ СИНОВИ БОШЛАНДИ

Андижон вилоятида қурилаётган Хўжаобод ер ости газ омборида табиий газни узатиш синаб кўрилди. Газ кучли америка компрессори билан узатилди. Синов газ омборининг қудуқ ва қатламлари газни яхши қабул қилаётганини кўрсатди.

Шу тариқа, компрессорнинг биринчи агрегати ишга тушди. Ҳозир иккинчи ва учинчи компрессорларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Техник синовдан сўнг улар ҳам табиий газни омборга ҳайдайди. Янаги йил март ойидан бошлаб эса, учала компрессор ҳам газ ҳайдай бошлайди. Уларнинг ҳар бири бир кеча-кундузда икки миллион кубометр газ ҳайдаш қувватига эга. Хўжаобод ер ости газ омбори 1999-2000 йиллардаги иситиш мавсумида Фарғона водийси аҳолиси ва халқ хўжалигини қиш пайтида «зангори олов» билан тўла таъминлаш учун зарур газ ҳажмига эга бўлади.

Ҳозир объектда вилоят қурилиш трестлари ва бирлашмаларининг икки мингга яқин қурувчилари, уларнинг Бухоро ҳамда республиканинг бошқа вилоятларидан келган ҳамкасблари икки сменада меҳнат қилмоқда. АҚШдан келган мутахассислар ҳам улар билан ишлаб, бўлажак корхона учун кадрлар тайёрлашда ёрдам бермоқда. Бўлажак ер остининг биринчи газ омборининг бир қанча муҳандис-техник ходимлари Қўшма Штатлардаги жиҳоз тайёрловчи заводда малака ошириб қайтди.

Маҳаллий ҳокимият, бош пудратчи - «Ўзтрансгаз» давлат бирлашмаси ҳамда қурилаётган газ омбори дирекцияси қурувчиларнинг самарали ишлаши учун, уларнинг турмуши, дам олиши, саломатлигини сақлаши учун шароит яратиб бермоқда. Барча қулайликларга эга бўлган 24 квартиралик икки қаватлик ётоқхонада хорижий мутахассислар ҳамда бошқа вилоятлардан келган қурувчилар истиқомат қилмоқда. Йил охиригача худди шундай яна бир ётоқхона ишга тушади. Бир вақтнинг ўзида юзта мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган навбатдаги умумий овқатланиш комплекси қурилиши ниҳоясига етмоқда. «Андижонавтойўл» акциядорлик жамияти Андижон-Ўш объектига олиб борадиган тўрт километрлик йўлни асфалтлаб қўйди.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири



Китоб туманидаги «Варганза» жамоа хўжалиги аъзоси Жамшид Қодиров анордан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. У йилига2,5-3 тонна анор етказиб бераётир.

Суратда: Жамшид Қодиров ўзи етиштирган анордан мамнун.

Нурмамат Алмуродов олган суратлар.

ЭЪЗОЗ

Тошлоқ туманидаги «Мўътабар» сутчилик ширкати раиси Махсудахон Эркабоева хориж технологиясини қўллаб юксак натижаларга эришмоқда. У замонавий корхона очишни орзу қиларди. Тадбиркор ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Пировард натижада қўшни фермерлар бирлаштирилиб сутчилик ширкати тузилди. Махсудахоннинг бир гуруҳ ишбилармон кишилар қатори Францияда бўлиши катта наф келтирди. Аввало соҳага оид замонавий технологияни чуқур ўрганди. Энг муҳими хорижлик ҳамкорларнинг сутни қайта ишлайдиган корхоналари тажрибасини оммалаштирди. Кўп ўтмай Тошлоқ, Охунбобоев туманларида машҳур Голландия пишлоғи пайдо бўлди.

Ҳозирда фермер хўжалиги ихтиёрида эллик бош қорамол мавжуд. Улардан 30 таси зотли соғин сигирлардир. Ер етарли. Мўлкўл емиш жамғарилмоқда. Тошлоқ туман ҳокимлиги тадбиркорга яна бир ёрдам кўрсатди. Эски чорва фермаси биноси сотиб олинди. Демак, маҳсулот етиштиришни сезиларли даражада кўпайтириш имконияти яратилди. Махсудахоннинг эндиги орзуси қатор қишлоқларда ўз дўконларига эга бўлишдир.

Ҳалол меҳнат, омилкорлик оддий деҳқон қизига бахт келтирди. У «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Набиҳон БАКИРОВ,
етакчи мутахассис.

«ПАХТА ИШИ» ЖАБРДИЙДАСИ

«Пахта иши» билан қамалган қанчадан-қанча умри азизлар Президент фармони шарофати билан оқланиб қадрдон гўшаларига қайтгандилар. Улар орасида ҳозирги кунда бахтли ҳаёт кечираётган жондорлик меҳнат фахрийси Й.Асадов ҳам бор эди. Қуйида собиқ раиснинг дил сўзлари баён этилган.

Қирқ йилча катта хўжаликка раҳбарлик қилдим. Она юртим, фидокор халқимни деб йиллар мобайнида мўл «оқ олтин» етиштирдик. Бироқ, биримиз икки бўлмади. Шунда ҳам нолимай, яхши кунлар келишига умид қилиб яшадик. Қизил империя даврининг кўргуликлари кўп эди. Масалан, раҳбар бўла туриб, ғўза баргини суньий тўктириш, йиғим-теримга киришиш ҳақида қатъий гап айтолмасдим. Ҳаммаси «юқори»нинг буйруғига қараб бўларди. Етмиш йилдан ортиқ вақт ичида қишлоқларимиз қашшоқлигича қолди.

Айтганларим холва экан. Палла айланиб, шундай даврлар бўлдики, оқ кўнгил ўзбек деҳқонининг боши маломатга қолди. Гдлян, Иванов каби зўравонлар «Пахта иши» деган уйдирмани ўйлаб топиб, бизни муттаҳамга чиқардилар. Яхши эслайман, зўравонларнинг гумашталари идорамдан мени зўрлаб олиб кетишди. Ўша кезлардаги аҳволим, хўрланганларимни эсласам кўзимга ёш келади. Кўплашиб кўшиб ёзишда айбламоқчи бўлишди. Бироқ, бутун иродамни қўлга олиб умрим мобайнида ҳалол меҳнат қилганлигимни қайта-қайта таъкидладим. Охир оқибат қанчадан-қанча умри азизлар қатори мени ҳам қамоққа равона қилишди...

Президентимизга минг бор рахматлар айтаман. Ул зоти олийнинг Фармонига кўра «Пахта иши» билан ноҳақ қамалганлар оқланиб, ўз гўшаларига қайтдилар. Бола-чақаларимнинг қувончи чексиз эди. Бир ҳафта уйдан одам аримади. Бироқ, адолатсизликка, хўрликларга чидай олмаган умрдошим Ҳалимаой оламдан бевақт кўз юмди.

Афсус, ҳозирги дориламон кунларимизни кўриш унга насиб этмади. Оила аъзоларим билан унинг номига деҳқон хўжалиги ташкил этиб, катта ҳаракатни бошлаб юбордик. Ўз миннатдорчилигимизни амалий фаолият орқали намойиш этаяпмиз. Пахта, дон етиштиришда энг юқори кўрсаткичларга эришяпмиз. Йиллик даромадимиз 500 минг сўмдан кам бўлмаётир.

Умр оқар дарё. Насиб этса ҳали кўп яхши кунларни кўрамиз. Бироқ, шўролар замонаси қалбимда қолдирган жароҳатнинг битиши мушкул...

Исмоил АСАДОВ,
Жондор туманидаги «Халимаой» хусусий деҳқон хўжалиги раҳбари

ҚИШЛОҚЛАР СУВГА ЁЛЧИДИ

Андижонликлар анча вақтдан буён Хонобод сувидан баҳраманд бўлишини орзу қилишарди. Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини изчил амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар туфайли мақсадга эришилди. Қанчадан-қанча хонадонларга тоза ичимлик суви кириб келди. Андижонга қадар Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳри аҳолиси ҳам оби-ҳаётдан баҳраманд бўлди. Кўп ўтмай сув қувурлари Боғишамол, Асакага ҳам бориб етди. Яқин вақт ичида Пахтакор, Бумдуз ер ости сув ҳавзалари неъматини тарқатиш йўлга қўйилади. Барча ерда бўлгани каби Марҳамат туманида ҳам кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга оширилягти. Бу ерга Ўқчидан қувурлар тортиш йил охиригача ниҳоясига етказилади.

Мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз қишлоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш масаласига доимий равишда катта эътибор бериб келмоқдалар. Бу меҳрибонликдан андижонликлар ҳам баҳраманд бўлишди.

Замира РЎЗИЕВА,
жамоатчи мухбир.

ЯНА ВАЪДАМИ, РАИС?

Зарбдор туманидаги «Истиқбол» хўжалигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши қониқарсиз аҳволда. Хўжалик аҳоли иш ҳақидан 8 миллион сўм атрофида қарздордир.

Сўнгги йилларда хўжаликда иш орқага кетди. Асосий тармоқлар издан чиқди. Масалан, бу йил хўжалик режада белгиланганидан анча кам ғалла етиштирди. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан бор-йўғи 15 центнердан бошоқли дон йиғиштириб олинди, холос. Раис Жўракул Турсуновни суҳбатга чорлаймиз.

- Ғалла таннархи қанчага тўғри келди?

- Бу ҳақда ҳали ҳисобкитоб қилинмади...

Ярим соатлик савол-жавобдан фаҳмладикки, хўжалик раҳбарини бу ердаги нобоп шароит, маданий-маиший ишларнинг кўнгилдагидек эмаслиги унча ташвишлантирмаётир. Ачинарлиси шуки, хўжаликнинг аҳоли иш ҳақидан 8 миллион сўм атрофида қарзлигини раис пинагини бузмай, бамайлихотир таъкидлади.

Мутахассислар алоҳида урғу билан тавсия қилган маиший хизмат уйи билан танишдик. Унинг эшигига қулф осилган. Муассасани хусусийлаштириб олган Олимжон исмли йигит билан ҳам рўбарў бўлдик. Таъкидлашича, моддий манфаатдорликнинг тайини бўлмагач, кадрлар кўнимсизлиги юзага келган.

Дўкон ёнида гурунглашиб турган кишилар кўнгилларида борини тўкиб солишди:

- Қишлоғимизда анчадан буён газ йўқ. Ичимлик сувидан ҳам қийналамиз. Иложи бўлмагач, лотоклар сувидан фойдаланаяпмиз. Ҳаммомга зормиз. Дўконда кундалик рўзғор учун зарур неъматларнинг кўпи кўринмайди.

Савдо расталарини кўздан кечириб, деҳқонлар эътирози тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик. Боз устига, Бобур номли 18-ўрта мактабда ҳам аҳвол ташвишли экан. 18-та синф хоналари қиш кунлари иситилмас экан. Илм маскани ота-оналар, ўқитувчиларнинг шахсий ҳисобидан таъмирланибди. Айрим бинолар нураб, бугун-эрта қулаб тушиш хавфида турибди.

Мустақилликка эришганимизга 7 йил бўлди. Замон ўзгарди. Бироқ мазкур хўжаликда эса иш ҳамон эскича. Меҳнаткашларнинг ҳақли талабларини қондириш учун астойдил ҳаракат қилиш ўрнига раис бува ваъда беришдан нари ўтмаётир.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳнат муҳофазаси амалда

ИНСОН ҲАЁТИГА МАСЪУЛЛИК

Бу масала машҳур беш тамойилнинг бири ҳисобланган кучли ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисмидир.

Хўш, аввало, меҳнатни муҳофаза қилиш деганда нимани тушунмоқ керак? Меҳнат муҳофазаси бу, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳатсаломатлиги ва иш қобилиятини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари воситалари тизимидан иборатдир.

Бинобарин, Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашларга соғлом, хавфсиз иш шароитлари яратилишини ўз назоратига олган. Чунончи, «Ишлаб чиқариш жараёнида портлаш-ёнғин хавфи бўлган корхоналарда меҳнат муҳофазасининг ҳолати тўғрисида», «Узжамхўжқурилиш» бирлашмасига қарашли Намангандаги 1-қурилиш трестининг ташкилотларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволи тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилиши ҳақида», «Намангантранс» бирлашмаси корхоналари маъмурияти ва касаба уюшма қўмиталарининг меҳнат муҳофазаси бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги масалалар раёсат йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилган. Маълум бўлдики, кейинги йилларда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва муассасаларда маъмуриятлар билан касаба уюшмалари ва уларнинг фаоллари ҳамкорликда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиш бўйича бир мунча ишларни рўёбга чиқарганлар. Ходимларни даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг хавфсизлик техникаси юзасидан билимларини ошириб бориш, асбоб ва ускуна ҳамда дастгоҳ ва муолажаларни қўллашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Наманган электр корхоналари корхонаси, Попдаги ўрамли том ёпқич ашёлар комбинати, Тўрақўрғондаги «Ширинлик» комбинати, Наманган шойи ишлаб чиқариш комбинати сингари корхоналар маъмуриятлари ва касаба уюшма қўмиталари ички имкониятларини ишчасталардаги иш жойларини давлат меъёрлари талаблари асосида шаҳодатлаб созлаш, зарур санитария-маиший шароитларини яратиш, ифлослантирувчи ва зарарли касбларда ишловчиларга тегишли имтиёзлар, яъни қисқартирилган иш вақти, устама ҳақ, бепул кийимбош, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, сут ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар, қўшимча меҳнат таътиллари бериш каби ижтимоий ғамхўрликлар жамоа шартномаларини меҳнат муҳофазасига киритиш йўли билан амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ишловчи аёллар ва ўсмирлар меҳнатини уюштиришда уларга амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзлар ва енгилликлар яратиш масаласи ҳам касаба уюшмаларининг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда.

Вилоятдаги қатор корхоналар қошида сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар мавжуд бўлиб, улар меҳнаткашларни соғломлаштиришда, касалликларнинг олдини олишда, иш қобилиятларини қайта тиклаш каби профилактик ишларга солиб ишчи-хизматчиларни соғломлаштиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Меҳнат муҳофазасининг муҳим талабларидан бири бўлган ходимларни ўқитиш, билимларини даврий синовлардан ўтказиб бориш, қониқарли меҳнат шароитини вужудга келтириш, машиналар ва механизмлар созлигига эришиш каби талаблар ҳам касаба уюшмалари назоратига олинган.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқларнинг таъкидлашларича, бу борада бир мунча ишлар қилинган бўлса-да, ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароити яратиш бўйича бугунги аҳволдан кўнгил тўлмайди. Чунончи, ўтган вақт мобайнида бу иш учун масъул ҳисобланган вилоят касаба уюшмалари меҳнат техника инспекцияси ходимлари ўзларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланган ҳолда тегишли давлат назорат органлари билан ҳамкорликда корхона, ташкилот, муассасаларда режали профилактик текширишлар ва назорат ишларини олиб борди. Бу текширишлар натижасига кўра 1997-98 йилларда корхоналарнинг раҳбарларига жойларда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишига қаратилган 400 дан ортиқ кўрсатмалар берилди. Бу эса, ана шу кўрсатмаларда амалга оширилиши шарт бўлган 5790 та ташкилий, техникавий, санитария-маиший йўналишдаги тадбирларни рўёбга чиқаришни тақозо этади. Шунингдек, текширишлар давомида хавфсизлик техникаси қоидаларига зид равишда ишлатилаётган 410 та дастгоҳ ва ускуналардан фойдаланилаётган 68 та цех ва участкалар аниқланди. Улар табиийки, камчилик ва нуқсонлар бартараф этилганга қадар тўхтатиб қўйилди. Меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўйган 62 мансабдор шахс жаримага тортилди. Айрим корхоналарда ишни меҳнат техникаси қоидаларига риоя этмасдан ташкил этиш, махсус малака талаб этадиган ишларга тегишли тайёргарлиги бўлмаган кишиларни жалб этиш, дастгоҳ ва ускуналарни носоз ҳолда ишлатиш, электр хавфсизлиги қоидаларини бузиш фожеали оқибатларга сабабчи бўлмоқда. Косонсой туманидаги Ўзбек-турк «Касмир-Дери» терини қайта ишлаш корхонасида шундай бўлди. Махсус малака талаб қиладиган ишга ҳеч қандай тайёргарлиги бўлмаган бир гуруҳ ишчи қўйилди. Оқибатда шу йилнинг май ойида гуруҳли бахтсиз ҳодиса содир бўлди. 5 киши оғир жароҳатланиб шундан 3 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмди. Меҳнатни уюштиришдаги пала-партишлик ушбу туманда кўпроқ содир бўлаётганлиги туман раҳбарларини, касаба уюшма ташкилотларини ҳушёрликка чақириши керак. Негаки, 2-қурилиш трестига қарашли тумандаги 151-кўчма колоннада ҳам фожеа рўй берди. «Автомашсервиз» тизимига қарашли Косонсой таъмирлаш корхонасида содир бўлган бахтсизлик эса ҳаммасидан ошиб тушди. Бизнингча меҳнатни уюштириш чоғидаги шу даражага етган боқи-беғамлик тегишли идоралар томонидан ўз баҳосини олмаган кўринади. Учқўрғондаги 38-автокорхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг хавфсизлик техникаси қоидалари юзасидан тегишли иш олиб бормаганликлари, назоратни сусайтирганликлари туфайли кейинги икки йил ичида 4 нафар ходим оғир жароҳатланди ва улардан икки нафари ҳалок бўлди. Умуман, йилнинг дастлабки саккиз ойи даврида вилоятда ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ 29 та бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, шундан 12 таси ўлим билан тугади. Бу эса ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак. Вазифа касаба уюшма қўмиталари меҳнат хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини ўзларининг қаттиқ назоратларига олишлари, бу йўлда зарур бўлган ҳамма ишни қилишлари керак. Токи, меҳнат кишиси ишдан сўнг ўз оиласи қучоғига омон-эсон қайтиб келсин.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Фарғона вилоятидаги «Учкўприк» тикув-трикотаж ҳиссадорлик жамияти замонага мос маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 12 турда болалар ва эркаклар кийимлари ишлаб чиқарилаётир. Маҳсулотлар сифатлилиги туфайли харидори тобора ортмоқда.

Суратда: моҳир тикувчиси Эъзозхон Ўринова.

Аждодлар ёди абадий

Мақбара қайта таъмирланмоқда

Ўтмиш авлодларга эҳтиром, улар томонидан яратилган бебаҳо ёдгорликларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш барчамизнинг бурчимиз. Асрий обидалар, нодир асори-атиқаларга бой Самарқандда бу борада ибратга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Темур ва темурийлар даври санъати ва меъморчилиги обидаси - Шоҳи Зинда мажмуасидаги Шодимулк оға мақбарасини таъмирлаш ишлари бошланганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Улуғ Соҳибқирон ва давлат арбоби Амир Темурнинг жияни - Шодимулк оға зиёратхонасини таъмирлаш Германиянинг ҳунармандлик ва ёдгорликларни асраб-авайлаш бўйича маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади. Хорижлик ҳамкорлар кўмаги ва марказ ходимлари тайёрлаган лойиҳага мувофиқ бу хайрли ишни маҳаллий усталар ва таъмирловчилар бажаради.

Илмий ва амалий тажриба алмашиш бўйича иккала мамлакат ўртасида тузилган ўзбек-немис ширкати доирасидаги илк лойиҳа айнан ислом оламида таниқли зот, буюк ҳадисшунос имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилейи арафасида бажарилаётганлиги барчани хушнуд этмоқда. Негаки, қутлуғ тантанага ташриф буюрадиган меҳмонлар, аввало, Шоҳи Зинда ёдгорлигида бўлиб, Темур бобомиз бунёд эттирган Пайғамбар Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаламнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос мақбарасини зиёрат қиладилар, жумладан, бу ердаги темурийлар қабрларини тавоф этадилар.

Шодимулк оға мақбарасси ҳам ёдгорликнинг энг кўркам, ўзига хос обидаси ҳисобланади. 1372 йилда қад ростлаган бино деворлари вақт ўтиши билан анчайин дарз кетган. Турли иқлим шароити бўёқларнинг тўқилиши, кошинларнинг силжишига сабаб бўлган.

- Бизнинг асосий ишимиз ҳали олдинда,- дейди Германия ҳунармандлик ва ёдгорликларни асраб-авайлаш бўйича марказ раҳбари, профессор Манфред Гернер. - Самарқандлик усталарнинг саъй-ҳаракати билан ҳозирдаёқ анчагина ишлар бажарилган бўлсада, қадимий меъморий услубни сақлаган ҳолда чўққили гумбаз, ёйсимон равоқларни тиклаш учун мураккаб усуллардан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

МАҲСУЛОТЛАРДА СИФАТ КАФОЛАТИ БЎЛСИН!

Инсон саломатлиги ҳамиша долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу бевосита у истеъмол қилаётган маҳсулот сифатига ва унинг учун истеъмол учун нечоғлик хавфсиз эканлигига ҳам боғлиқдир.

Шу мақсадларда **«Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»** ва бошқа бир қатор Қонунлар қабул қилингани айни муддао бўлди.

Лекин айрим «тадбиркорлар» фақат ўз фойдасини кўзлаб, истеъмолчилар соғлиги тўғрисида қайғурмай, қонун бузилишларига йўл қўймоқдалар. Бунга биргина Юнусобод туманида 8 ой давомида «сифатсиз» деб топилган 29162 кг маҳсулот савдодан олиб ташлангани ва тадбиркорларга маъмурий жазолар қўлланганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шу жумладан текшириш жараёнида 650 кг гўшт, 170 литр сут, 5000 кг полиз маҳсулотлари, 238 кг ёғ ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол учун яроқсиз деб топилди.

Президентимизнинг **«Санитария қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»**ги Фармони ҳам аҳоли ўртасида ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш, жойларда санитария ҳолатини яхшилаш масалаларига эътиборни кучайтиришга қаратилгани билан муҳимдир.

Лекин шунга қарамай, қонунга амал қилинмаётган ҳоллар учраб турганги ачинарлидир. Масалан, тумандаги «Мир Дилмурод» жамоа корхонасига қарашли 50-дўкон, «Шивли» жамоа корхонасига қарашли дўконда санитария қоидалари қўпол равишда бузилганлиги ҳолатлари аниқланди.

Бизнинг огоҳлантиришларимиз ва талабларимизга бўйсунмаган, жарималарни ўз вақтида тўламаган тадбиркорларга нисбатан чора кўриш учун биз прокуратура ёки суд органларига мурожаат қилишга мажбур бўлаяпмиз. Жумладан, жорий йил давомида 66 нафар тартибузар устидан тўпланган материалларни суд органларига топширдик.

Бизни бир нарса ўйлантириб келарди. У ҳам бўлса, уй шароитида турли хил таомлар, пишириқлар, салат тайёрлаб сотувчиларнинг тегишли идоралардан рухсатномалари йўқлиги учун ва улар санитария қоидаларини бузган тақдирларида қандай чора қўллашга иккиланиб қолар эдик. Эндиликда, бу муаммо ҳам ўз ечимини топди. Чунончи, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилинишини таъминлаш, истеъмол учун яроқсиз бўлган, мувофиқлик ва сифат сертификатларига мос келмайдиган, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа савдо-сотиқ талабларига жавоб бермайдиган озиқ-овқат товарлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли **«Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарорини ҳаётий жуда муҳим, деб ўйлайман.

Мазкур қарорга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана ва майда улгуржи савдо қилиш тартиби устидан назоратни кучайтириш имконини туғилди ва шу мақсадда қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Энди қарорда кўрсатиб ўтилган маҳсулот турлари билан мулкчилик шаклидан қатъий назар, чакана ва майда улгуржи савдо қилиш фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилади бўлди.

Турғун савдо корхоналарига товарларни сақлаш ва сотиш учун зарур жиҳозларга эга бўлган, санитария талабларига тўла жавоб берадиган алоҳида бино ва хоналарда жойлашган савдо ва умумий овқатланиш нуқталари, шунингдек, махсус савдо павильонлари ва дўконлари киради.

Шундай экан, фуқаролар ўртасида қарор моҳиятини кенг тушунтириб боришимиз керак. Бунинг учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим бўлади.

Бахром ЮСУПОВ,
Юнусобод тумани СЭС бош врачи.

Биздан сўнг

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради.

- Биз Ховос туманидаги 25-ўрта мактабда қоровул бўлиб ишлаб келамиз. 1993 йилдан бошлаб туман халқ таълими бўлимидан эмас, туман ИИБ қўриқлаш бўлимидан иш ҳақимизни оладиган бўлдик. 1750-1900 сўм атрофида маош олардик. Ҳозирда эса ойлигимизни яна Ховос тумани халқ таълими бўлимидан оладиган бўлдик. Эндиликда ойлик маошимиз 900-936 сўмни ташкил этади. Иш вақтимиз ўзгаргани йўқ, лекин маошимиз 50 фоизга камайиб кетди. Шу масалага ойдинлик киритиб ўтсангиз.

А.Йўлдошев,
Ховос тумани.

- Умумтаълим мактабларида лавозим маошлари миқдори Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 23 июндаги 03/40 ТЗ хатида кўрсатилган ягона тариф сеткаси разрядлари асосида белгиланади. Жумладан, 1998 йил 1 июлдан бошлаб қоровуллар учун қуйидаги ставкалар белгиланган: қоровул - 1100 сўм, 2-тоифа қоровули - 1958 сўм, 1-тоифа қоровули - 2154 сўм.

Демак, 1998 йил 1 июлдан бошлаб Сизларнинг лавозим маошларингиз ставкалари лавозим даражасига қараб юқорида кўрсатилганлардан кам бўлмаслиги лозим.

* * *

Мен 1972 йилдан буён мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайман. Мен ҳам ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланишим мумкинми?

З.Холмуродова,
Бўзатов тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июлдаги, 1990 йил 13 ноябрдаги, 1990 йил 29 декабрдаги, 1992 йил 5 февралдаги Фармонларида белгиланган имтиёзларнинг барчаси иш стажидан қатъий назар мактаб кутубхоначилари учун ҳам тадбиқ этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги, Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиққан тартибга биноан педагог ходимлар, жумладан мактаб тасарруфидаги кутубхоначилар иш стажидан қатъий назар қуйидаги имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлидирлар:

- давлат ва муассасага қарашли уй-жойни шахсий мулкка бепул ўтказишга;
- уй-жой ижара ҳақи коммунал хизматлар тўлови бўйича имтиёзларга (қишлоқ жойлари ва шаҳар типидаги посёлкаларда 100 фоизли, шаҳарларда 50 фоизли);
- хусусий хонадонда турганда компенсация олишга;
- агар педагог ходимнинг турар жойида марказлашган иситиш системаси йўқ бўлса, унга ҳар бир печкаси учун 1 тонна кўмирнинг нархи миқдорида компенсация олишга.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатларга биноан кутубхоначиларга умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарори билан юқоридаги рўйхатларга кирган ходимлардан асосий иши бўйича ушлаб қолинадиган даромад солиғи ставкалари 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

* * *

«Шуҳрат» медали эгаларига қандай имтиёзлар бор. Шу ҳақда маълумот берсангиз

Гайрат Мамараимов,
Зангиота тумани.

- Ўзбекистон Республикасининг «Шуҳрат» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги 1994 йил 5 майдаги қонунига биноан «Шуҳрат» медали билан мукофотланган фуқароларга энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида бир марталик мукофот пули тўланади.

* * *

- Афғонистон уруши қатнашчиларига бериладиган имтиёзлар ҳақида тўлароқ маълумот берсангиз.

Пўлат Мирзараҳмедов,
Янгийўл тумани.

- Ҳарбий хизматни Афғонистон Республикаси ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 59-модда, 2-қисм, 3-бандига биноан ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан озод этиладилар. Шунингдек, Солиқ Кодексига асосан транспорт воситаларига, иморатлар, бинолар ва иншоотларга олинадиган солиқлардан озод этиладилар.

- Ушбу имтиёзлар мол-мулкнинг ҳар бир тури бўйича фақат бир объектга тааллуқлидир (93-модда);

- якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ер участкалари бўйича ер солиғидан озод этиладилар (102-модда).

РАҲБАР ЛОҚАЙДЛИГИ

акциядорлар манфаатига зарар етказмоқда

Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиши ва мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши туфайли бутун республикамиздаги сингари вилоятимизда ҳам юзлаб ҳиссадорлик жамиятлари вужудга келди. Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида 461 акционерлик жамияти бўлиб, уларнинг 253 таси низом жамғармасида давлат улуши бўлган жамиятлардир. Бу жамиятларнинг умумий манбалари 1,3 млрд сўмни, шу жумладан эркин сотувга чиқарилган улуш 850 млн. сўмни, чет эл сармоялари улуши 400 млн. сўмни ташкил этади. Бундан шундай хулоса чиқарса бўладики, вилоятда акционерлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш, хусусан Республика Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва Республика фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш бўйича эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда. Афсуски, иш бор жойда камчиликлар ҳам учраб туради.

Вазирлар Маҳкамасининг 6 ой якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз акционерлик жамиятлари фаолиятини чуқур таҳлил этиб, қимматли қоғозларни қўллаш борасидаги қонун бузишларига тегишлича баҳо бериш юзасидан прокуратура идоралари олдига жиддий вазифа қўйдилар. Шунга кўра, вилоят прокуратураси томонидан Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Тошкент» фонд биржасининг Самарқанд филиалида, «Вақт» миллий депозиториясида , қимматли қоғозлар бозорининг қатнашчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Филиал томонидан1995 йилдан бошлаб 1998 йилнинг 10 августигача эмитентлар билан жами 376 та шартнома тузган (шундан фақат учтаси бекор қилинган) ва шу ўтган даврда умумий ҳисобда 1.031.848 дона акция сотилган.

Республика «Вақт» миллий депозиториясининг Самарқанд вилоят филиалидаги аҳвол янада ташвишланарли, мансабдор шахсларининг масъулиятсизлиги туфайли эмитентлар билан тузилган шартномалар бўйича томонлар ўз мажбуриятларини умуман бажаришмаган. Аниқроқ айтганда, эмитентлар акция тайёрлаш учун буюртма беришгану тегишли маблағни кўчиришмаган. Депозиторияннинг масъул ходимлари шартнома бажарилишини талаб қилишмаган. Чунки шартномада мажбуриятлар аниқ кўрсатилмаган. Бундай ҳол 1995 йилдан бери давом этиб келмоқда. Хуллас, жуда кўп миқдорда нақд акциялар чиқарилмай қолиб кетгани оқибатида акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари поймол қилинган ва манфаатларига зарар етказилган. Масалан, Тойлоқ туманидаги «Таъмирловчи» АЖ билан 1997 йил 17 январда тузилган шартномага мувофиқ депозитория ўз зиммасига 158 минг сўмлик нақд бланкасиз оддий акция, 385 минг сўмлик номи ёзилган акция, 58 минг сўмлик имтиёзли нақдсиз акция (сертификат) тайёрлаш мажбуриятини олган. Лекин «Таъмирловчи» АЖ депозиторияга 8576 сўм маблағни кўчириб беролмаган ва ҳозиргача акция тайёрланмаган. Буюртмачи маблағ кўчириб берганда ҳам депозитория ўз мажбуриятини бажармаган ҳоллар мавжуд. Натижада Булунғур туманидаги «Қути заводи», Жомбой туманидаги «Жомбой» автокорхонаси , Ғўзалкентдаги «Чимбойобод», Иштихондаги «Янгикент» акционерлик жамиятларида ҳам юқоридаги каби аҳвол вужудга келган. Депозитория мансабдор шахсларнинг айби билан ўтган тўрт йил давомида акционерлик жамиятлари билан тузилган 29 та шартнома бажарилмаган. Лоқайд эмитентларга тегишли ҳужжатлар йўлланмаган, жарималар ундириб олинмаган, шартномалар номигагина тузилиб қолаверган...

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини, қимматли қоғозлар чиқарилишини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бозори ривожланиши бўйича ягона реестр юритиш, ҳисобга олиш, қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан таъсир чоралари кўриш, Республика қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вилоят ҳудудий бўлимига юклатилган. 1997 йилда вилоятда мавжуд бўлган 472 та АЖнинг 181 тасида мазкур бўлим томонидан текшириш ўтказилиб, қонун бузилишларини бартараф этиш мақсадида 133 та амрнома киритилган ва шундан бор-йўғи 61таси эмитентлар томонидан бажарилган. 1998 йилда эса шу тахлитда киритилган 35 та амрномадан 20 таси бажарилган, холос. Бўлим раҳбари А.Тангиров ва бошқа ходимларнинг совуққонлиги оқибатида 441 та АЖдан фақат 48 таси тегишли ҳисобот тақдим этган. Афсуски, бу ҳисоботлар ҳам низом талабларига хилоф равишда расмийлаштирилган. Бўлим ходимлари томонидан 75 та АЖда ўтказилган текшириш низом талабига мутлақо мос келмайди. Бўлимнинг Х.Абсатторов, Т.Эшонқулов, Б.Абсаломов, Н.Жуматов каби ходимлари текширишлар жараёнида жиддий қонун бузилишларига йўл қўйишган.

Вилоят прокуратураси томонидан текширишлар якунларига кўра юқоридаги қонунбузарликлар бўйича тегишли раҳбарлар ва масъул ходимларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Муҳиддин БАХРИДДИНОВ,
Самарқанд вилояти прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи.

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

БЕБАҲО МЕРОС

Ҳижрий 194 сана, шаввол ойининг 13 куни, ҳозирги ҳисобда 810 йил, 20 июлда Бухорода бир инсон дунёга келдики, бу инсон ҳаёти, фаолияти билан ислом олами бамисоли ўзгача шукуҳ, ўзгача руҳ билан мунаввар бўлди. Мана шу инсоннинг буюк илмий салоҳияти шарофати билан Бухоро жумлаи жаҳонга машҳур шаҳаргўна эмас, балки камоли эҳтиром билан тилга олинувчи Бухорои Шариф атамасини олди. Кейинчалик «Ҳадис илмининг султони», «Барча муҳаддислар пешвоси», «Бутун дунёнинг имоми» деган юксак ҳурматга сазовор бўлган бу зот Имом ал-Бухорийдир. Ул мўътабар зотнинг тўлиқ исми - Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорийдир. Ул кишининг таваллуд саналарини аниқ кўрсата олишимизнинг сабаби бор. Буюк муҳаддиснинг оталари ўз даврининг етук олим, фозил кишиларидан бири бўлганлар ва ўғилларининг туғилган кунларини ўз қўллари билан ёзиб, замондош тарихчилар эътиборига етказганлар. Ўз асарларидан бирида Имом ал-Бухорий отаси ҳақида «Отам Исмоил машҳур муҳаддис Анас ибн Моликнинг бевосита ўзидан ҳадислар бўйича сабоқ олган. Ҳаммод ибн Зайд билан шахсан мулоқотда бўлган, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак билан эса дўстона муносабатда бўлиб, улар доим қучоқлашиб кўришишган» деб таъкидлайди.

Буюк муҳаддис отадан анча ёш қолади ва асосан волидаси қўлида тарбия топади. Ёшлигида ақл-идрокли, ўткир зеҳн ва ўта кучли хотирага эга бўлган ал-Бухорий барча илоҳий ва дунёвий илмларни чуқур ўрганишга киришади ва тезда уламолар назарига тушади. У айниқса ҳадис илмини зўр иштиёқ ва собитқадамлик билан эгаллашга киришади. Тарихий манбаларда келтирилишича, у ўн ёшдан бошлаб ўз юртидаги ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, жумладан, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакийъ ибн ал-Жарроҳ каби олимларнинг ҳадисларини мутолаа қилиб ёдлаган, устози шайх Дохилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги баҳсларда қатнашган.

825 йили ўн беш яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тутади, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этади. Олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан астойдил таълим олади. Шундан кейин ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фиқҳ илмидан таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади, илм талибларига дарс ҳам беради. Имом ал-Бухорий ҳаётининг аксар қисмини хорижий элларда, мусофирчиликда ўтказиб, илм талабида Шарқнинг кўпгина бир неча шаҳарларида бир неча мартадан бўлади. Бу ҳақда унинг ўзи: «Миср, Шом, Месопатамияга икки мартадан, Басрага тўрт марта борганман, Ҳижозга олти йил яшаганман, Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганимнинг ҳисобини ҳам билмайман» деган эди. Ҳадис илмига бутун умри ва ақл-заковатини бағишлаган олим бу йўлда ҳар қандай қийинчилик ва муҳтожликларга бардош беради. Ўзининг ёзишича, Бағдодда истиқомат қилган пайтида кўпинча ойнинг нурида ижод қилган, қоронғи кечалардагина шамдан фойдаланган. Имом ал-Бухорий ҳадис соҳасида ҳар томонлама тўлиқ билим эгаллаш учун мингдан ортиқ устозлардан сабоқ олган. Ўз даврининг кўпгина етук олимлари билан яқин муносабатда бўлган. Бу хусусда алломанинг ўзи: «Ҳадис илми толиби нафақат илми жиҳатидан ўзларидан юқори турганлардан ёки ўзи билан тенглардан, балки ўрни келса, илми ўзидан пастлардан ҳам сабоқ олмагунча етук олим бўла олмайди», - деб таъкидлаган.

Имом ал-Бухорий умрининг охирларида беш йил (863-868) Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Буюк муҳаддисни Нишопур аҳли алоҳида қувонч ва катта тантана билан кутиб олганлар. Таниқли олим ал-Қасталонийнинг ёзишича, шаҳарнинг каттаю кичик бутун аҳолиси шаҳардан икки фарсах масофага пешвоз чиқишиб, Имом ал-Бухорийни кутиб оладилар. Кутиб олувчилар шу даражада кўп бўлганки, фақат от минган суворийларнинг ўзи тўрт минг кишидан ошиқ эди. Ўша пайтда Нишопур мусулмон Шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машҳур олимлар шу шаҳарга тўпланган эдилар. Ал-Бухорийни ат-Термизий билан учрашуви ҳам айнан шу Нишопурда юз беради. Буюк ватандошларимиз - икки машҳур муҳаддис бир неча йил ижодий ҳамкорлик қиладилар, улар ўртасида кўплаб қизғин илмий баҳслар, самимий мулоқотлар бўлиб ўтди. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб, «Мен сендан кўрган фойда, сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ» деб унинг ижодига юксак баҳо беради.

Имом ал-Бухорий нафақат йирик олим эди, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, меҳр-муруввати, олий ҳиммати ва беқиёс даражадаги саховати билан бошқалардан тамомила ажралиб турган. У зеҳни ўткирлиги ва қувваи ҳофизасининг бениҳоя кучлилиги билан ҳам халқ орасида ғоят шуҳрат қозонган. Тарихчилар ал-Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билганини таъкидлайдилар.

Имом ал-Бухорий биз авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан «Ал-Жомиъ ас-саҳийҳ», «Ал-Адаб ал-муфрад», «Ат-Таърих ас-сағийр», «Ат-Таърих ал-кабийр», «Китоб ал-Илал», «Бирр ул-валидайн», «Асоми ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг илм оламига машҳур асарларидан бири, шубҳасиз, «ал-Жомиъ ас-саҳийҳ»дир. Бу асар «Саҳийҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига ровийлардан эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом ал-Бухорий эса ровийлардан эшитган ҳадисларни мавзуларга бўлиб, уларнинг ишончли (яъни саҳийҳ)ларини ажратиб олди, ноаниқ ҳадисларнинг асл матнини тиклади.

Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, Имом ал-Бухорийнинг ушбу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат.

Имом ал-Бухорийнинг ушбу асари муҳим манбаъ ҳисобланиб, турли шаҳарларда унинг нусхалари кўп тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи бўлган. Жумладан, таниқли адиб ва тарихчи ан-Нувайрий (у 1332 йилда вафот этган) Имом ал-Бухорийнинг ушбу асаридан саккиз нусха кўчириб, ҳар бирини минг дирҳамдан сотган. Бу асарнинг 1325 йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат гўзал бир нусхаси ҳозир Истамбулда сақланмоқда. «Ал-Жомиъ ас-саҳийҳ»га юздан ортиқ шаҳарлар битилган бўлиб, муҳим манбаа сифатида у қатор тилларга ҳам таржима қилинган. Имом ал-Бухорий асарига киритилган ҳадислар фақат ислом дини таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, сахийлик, очиққўнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етимесирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, адолат ва маърифатга даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар қомусидир. Уларда ҳозирги жамиятимиз, айниқса ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган йўл-йўриқлар, панд-насиҳат ва ҳикматлар акс эттирилган.

Мустақиллигимиз шарофати билан ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратлари том маънода ўз Ватанига абадул-абад қайтиб келдилар. Алломанинг шоҳ асари «Саҳийҳ ал-Бухорий» тўлиғича (тўрт жилдда) ўзбекчага таржима қилиниб, Тошкентда нашр этилди. Шунингдек, бундан бир неча йил олдин унинг бошқа бир муҳим асари «Ал-Адаб ал-муфрад» («Одоб дурдоналари») ҳам ўзбекчага ўгирилиб кенг китобхонлар оммасига туҳфа этилган. Унинг ҳаёти ва меросига бағишланган қатор рисолалар нашр этилди. Ўтган йил апрель ойида Муҳтарам Президентимиз имзо чеккан Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини (ҳижрий ҳисоб бўйича) нишонлаш тўғрисида» чиқарган қарори буюк аллома меросини чуқур, ҳар томонлама ўрганишда ва тарғиб қилишда том маънода тарихий аҳамиятга молликдир. Буюк муҳаддиснинг Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган мақбараси ва масжиди асосида қадимий миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган замонавий иншоотлардан иборат муҳташам, бетакрор ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши алоҳида таҳсинга лойиқдир. Мазкур қарорда 1998 йил октябрь ойида Самарқандда кўплаб хорижий мамлакатлар олимлари иштирокида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида Халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши ҳам кўзда тутилади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, юртимиз довруғини дунё бўйлаб достон қилган буюк алломанинг 1225 йиллик тўйлари жаҳоншумул аҳамиятга молик улуғвор тантаналардан бири сифатида кенг кўламда нишонланади.

Убайдулла УВАТОВ,
Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Ҳар тўғрида

ЎЗИНИКИ ЎЗИГА

Маълумки, мураккаб операция қилинган бемор анчагина қон йўқотади. Олдиндан белгиланган жарроҳлик ишларига шифохонада бемор қонига мос келадиган қон тайёрлаб қўйилади. Юқумли касалликлар билан оғриган беморлар анча вақт мобайнида шифокорлар назоратида бўлишади. Борди-ю, беморнинг касали жарроҳлик йўли билан даволанган бўлса, шунда бемордан керакли миқдорда қон олиб махсус усулда тозаланиб музхонада сақланади. Бухарест Гематология марказининг шифокорлари кашф қилган бемордан олинган қоннинг яна ўзига қуйиш усули кўпгина афзалликларга эга.

Бунда энг аввало бемор қон группасининг тўғри келмай қолиши хавфидан қутилади. Бемор танасида мустаҳкам иммунитет пайдо бўлади, яллиғланиш жараёни буткул тўхтайди, қолаверса, донор қони тежалади.

ТАНГА ДАВО

Жонли табиатда кислород ғоят муҳим аҳамият касб этади. У оқсил, ёғ ва углеводлар таркибига киради. Ҳужайра ва тўқималар эса оқсил, ёғ ва углеводлардан тузилгандир. Одам танасида 65 фоизга яқин кислород бор. Кислородсиз модда алмашинуви бўлмайди, ҳаётни эса модда алмашинувисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳавода кислород ўлиши кишининг ҳаётий заруратларидан бири ҳисобланган нафас олиш учун керак.

Ҳавода кислороддан ташқари яна оз миқдорда азон бўлади. Азон кучли оксидловчилик хоссасига эга бўлиб, бактерияларни ўлдиради. Азон одатда булутли электр зарядларидан кейин пайдо бўлади. Ҳавонинг таркибий қисмларидан бири бўлган азотнинг ҳам фойдаси катта. Азот кислородга қўшилиб, одамнинг меъёрида нафас олишини таъминлайди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

МУНОСИБ ТУҲФА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Мозийдан таралган зиё» китобини нашрдан чиқарди.



Истиқлол йилларида айниқса олтин куз фасли юртимизда табаррук ва шонли саналар нишонланадиган шукуҳли паллага айланди. Октябрь ойининг охирги кунларида ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллик юбилейи нишонланадиган Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари ҳам Ўзбекистон Истиқлоли туфайли халқимизга қайтган азиз сиймоларимиздандир.

Мустамлака йилларида унутилишга маҳкум этилган буюкларимизнинг халқимиз бағрига қайтиши, табиийки, Ўзбекистон ноширлари, жумладан, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни зиммасига залворли ва айни пайтда фахр-ифтихор туйғуси билан амалга ошириладиган ишларни юклади. Донишмандлар ва улардан қолган улкан меросни маънавий маърифатга ташна халқимизга таништириш шахсан Президентимиз ташаббускорлиги билан Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бошланган эди. Қуръони каримнинг ўзбекча таржимасидан (1991) кейин 1992-1996 йилларда «Ал-Жомиъ ас-саҳийҳ» катта нусхада чоп этилди. Бу китобларнинг аксарияти концерн босмахонасида чоп этилиши муносабати билан шу йўналишда катта тажрибалар тўпланди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темур жаҳон тарихида» альбом-китобининг француз, ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқа муддатларда сифатли нашр этилиши (1996) билан давом этган бу хайрли йўналишда «Бухоро - Шарқ дурдонаси» ва «Хива - минг гумбаз шаҳри» сингари матбаа ижроси мураккаб қадим шаҳар тўйига тўёна китобларни элга ва жаҳон аҳлига тортиқ қилиш билан янада катта тажриба орттирилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош тахририяти томонидан нашрга тайёрланган Имом ал-Бухорий ҳазратларининг баракали, ибратли ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи «Мозийдан таралган зиё» китоби буюк муҳаддис ҳақида Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган дастлабки фундаментал асар бўлиб, тўрт боб ва тегишли бўлимлардан ҳамда матнга илова қилинган «Зарварақ»дан иборатдир. Китоб ўзбек, инглиз, рус, француз, араб тилларида кўп минг нусхада чоп этилди. Бу китоб буюк муҳаддиснинг улкан юбилейига муносиб совғадир.

Китобга кириш сўзи ёзган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Имом ал-Бухорий сингари жаҳоншумул сиймоларимиз билан фахрланиш, улар бошлаган эзгу ишларни давом эттириш маънавияти юксак халқ фарзандларининг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Китобда тадқиқот қамрови IX асрдан бошланиб XII аср бўсағасигача етиб боради. Беподён Араб халифалигида миллий давлатлар вужудга кела бошлаган IX аср айни чоғда ислом минтақа маданиятининг гуллаб-яшнаган даври ҳамдир. Бу ва ундан кейинги икки аср инсониятга Аҳмад ал-Фарғоний, Муса ал-Хоразмий, Абу Саҳл ал-Жавҳарий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино сингари илму фан даҳоларини берди. Нафақат исломий билимлар, қолаверса, таржима воситасида юнон-рим маданияти намуналарининг сақланиб қолиши, ҳинд маданияти намуналаридан ўзлаштириш бутун инсоният илмий тафаккурида узилиш вужудга келишига йўл қўймади. Буюк муҳаддисга бағишланган китоб ҳадис мактаблари ва марказларидан ташқари дунёвий илмлар вакиллари ҳақида, меъморчилик, маданият хусусида қизиқарли ҳикоя қилади. Кейинги асрлар меъморчилигига катта таъсир ўтказган Сомонийлар мақбараси, Работи Малик карвонсаройи, Аработа, Фахриддин Розий мақбаралари, турли жомеъ масжидлари ва қалъалар меъморчилигининг ўзига хос жиҳатлари янгича талқин қилинади. Умуман, китобга 60 дан ортиқ сувратлар илова қилинди, улар бутун Марказий Осиёни қамраши айниқса диққатга сазовордир.

Маълумки, Имом ал-Бухорий ҳазратлари даврига қадар ҳадисшунослик бобида 100 дан ортиқ китоблар яратилган эди. Аллома вафотидан кейин ҳам ўнлаб муҳаддислар ижод қилдилар. Фавқулодда кенг қамровли хотира соҳиби бўлмиш ватандошимиз эса «саҳийҳ» ҳадисларнигина жамлаш билан «Калом»да янги йўналишга асос солди. Имом ал-Бухорий илгари сурган ва изчил амал қилган шартларга риоя қилиш бу илмда анъанага айланди. «Мен шундай донишманд ва теран заковат соҳибини етиштирган заминда яшаётганимдан, жаҳон аҳлига Имом Бухорий сингари даҳоларни етказиб берган миллатга мансублигимдан фахрланаман»,-дея бутун халқимиз ифтихор туйғусини ифода этади юртбошимиз мазкур сўз бошида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан чоп этилган яна бир улуғ китоб Ватанимиз ва жаҳон аҳлининг диққатига ҳавола этилди. Дарвоқе «Шарқ»нинг бутун дунёда машҳур сиймоларимиз меросига бағишланган китоблар дастаси шулар билангина чекланмайди. Жорий йилда буюк астроном ва математик Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия илми асослари» китоби ўзбек тилида, «Астрономические трактаты» китоби рус тилида Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда нашр этилди. Келгуси йилда эса «Алпомиш» эпосини ўзбек ва рус тилларида нашр этиш режалаштирилган.

Шодлик завқи...

«Гранат» кооперативи тугатилади. Даъволар муддати эълон чиққандан сўнг бир ой. тел: 162-40-05.

«Илғор ММБХ» - масъулияти чекланган жамият тугатилади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади.

Чилонзор тумани, К.Ёрматов кўчаси, 10-уй.

Ғаллаорол «Шароб» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1998 йил 7 ноябрь куни соат 10 да Ғаллорол шаҳри Б.Худойназаров кўчаси 47-уйда бўлишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ

1. Ғаллаорол «Шароб» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йиллик иш натижалари.
2. Жамият тафтиш ваколатли шахслар гуруҳининг ҳисоботи.
3. Дивидент миқдорини қайта тақсимлаш.
4. Бошқарув, кузатув кенгаши, тафтиш аъзоларини сайлаш.

КЕНГАШ

ҚУТЛОВ

ХУРМАТЛИ ИГОРЬ АЛЕКСАНДРОВИЧ ПРОРОКОВ!

Сизни муборак 60 ёшингиз билан қутлаймиз. Сиз кўп йиллардан бери «Сувмаш» заводида самарали ишлаб келмоқдасиз. Ишлар сиз кўрсатаётган меҳрибонлигингиздан беҳад миннатдорлар.

Қадрли Игорь Александрович! Бахтимизга узоқ умр кўринг. Сизга ва оилангизга бахт-саодат тилаб бир гуруҳ ёшлар номидан

НИГОРА.

Узгосстандарт сообщает, утерянные бланки сертификатов соответствия №№ 157779, 157815, 157816, 157817, 157818, 157868, 157871, 157877, 157878, 157901, 157905, 157916, 157929, 157930, 157934, 157935, 157954, 157960, 157965, 157985, 157996, 158000, 128891, 128900, 128909, 128911, 128920, 128927, 128933, 128939, 128941, 128942, 128957, 128958, 128963, 128978, 128980, 128982, 128996 считать не действительными.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ТАРМОҒИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Халқаро электроалоқалар Иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикаси учун МУСТАҚИЛ ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН «998» КОД РАҚАМИ ажратилди.

Бу Россияга тегишли халқаро «7» код рақамини фойдаланишдан чиқариб юбориш имконини беради. Айни пайтда Республика телефон рақамлари тизимини мукаммаллаштиришга хизмат қилади. 1998 йил 1 октябрдан яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар учун «998» код рақами киритилади, шунингдек, 1999 йил 1 январигача янги қоида тартиби билан ёнма-ён фойдаланилаётган амалдаги «7» код рақами сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасига рақам териш тартиби МДҲ давлатлари учун 1999 йил 1 апрелгача сақланиб қолади.

«998» код рақами фойдаланилган вақтда вилоятлар код рақамларининг биринчи рақами тушириб қолдирилади.

Узоқ хорижга чиқувчи абонентлар учун рақам териш тартиби қуйидагича:

	Қарши шаҳрига	Мамлакат коди	Вилоятлар коди	Абонент рақами
Амалдаги код:		«7»	«375»	22xxxxx
Янги код:		**«988»**	**«75»**	**22xxxxx**

Қашқадарё вилояти: Ғузор туман марказига:

	Мамлакат коди	Вилоятлар коди	Т/М коди	Абонент рақами
Амалдаги код:	«7»	«375»	«55»	xxxxx
Янги код:	**«998»**	**«75»**	**«55»**	**xxxxx**

Ушбу ўзгартишлар ҳақида маълумот бошқа мамлакатларда ишлайдиган операторлар орқали телефон тармоқлари абонентларига хабар қилинади.

ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!

Ўзбекистон халқаро телефон алоқаларининг янги код рақамлари ҳақидаги маълумотни чет эл мамлакатларидаги абонентларига етказишни янада тезлаштириш ҳамда мулоқотларни меъёрида амалга ошириш учун ўша мулоқотнинг ўз вақтида бўлишига зарур шароитлар яратиб бериш мақсадида телефон орқали ёки ҳат орқали сизга телефон қилиши мумкин бўлган чет эллик абонентларга Ўзбекистон янги «998» код рақами ва Ўзбекистон Республикасида керакли рақамларни териш тартиби ҳақида хабар қилинг.

Ўзингиз ҳақингизда маълумот берувчи шахсий чипталарингизга ўз вақтида ўзгартириш киритишни унутманг.

«ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОМ» А.К.

АЗИЗ ҲАМҒУРТЛАР!

Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг

«САЛОМАТЛИК»

санаторий-профилакторийси Сизларни шаҳримизнинг кўкаламзор гўшасида жойлашган шифо масканига таклиф этади.

Бу ерда Сизларни малакали шифокорлар юрак-қонтомир, остеохандроз, полиартрит, нафас органлари касалликларидан фориғ бўлишингизга ёрдам берадилар. Тажрибали ҳамшираларимиз физиотерапия, ингаляция, массаж усуллари билан жонингизга малҳам бўладилар.

Санаторий-профилакторийда, шунингдек, нур ва балчиқ, парафин, сув массажи, циркуляр ва шарко душ, катта бассейн, сауна ҳамда физкультура даволаш комплекси мавжуд.

Йўлланмаларимиз унчалик қиммат эмас.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 355-уй. («Беруний» метро бекати)

Маълумот учун телефонлар: 67-19-28, 67-19-36, 96-13-81.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИЁТИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир: **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари 56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БУЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт 56-82-79. Ахборот ва спорт 56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ 56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Намангада - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр қурсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0421. Нусхаси — 15.088. Масъул навбатчи: Дилором КАРИМ қизи 1 2 3 4 5 6